

14. Горохова И.В., Никитская Е.Ф., Сорокина Н.Ю. "Актуальные вопросы применения зарубежного опыта прогнозирования потребности экономики в квалифицированных кадрах в практике государственного управления в Российской Федерации," Вестник университета, Vol 6, pp. 21-27, 2018.

15. S. Junankar O. Lofsnaes, P. Summerton "A short technical description" Cambridge Econometrics Working Paper, 25 p., 2007. Available at: <http://www.camecon.com>

16. Dixon P. "The MONASH Style of Computable General Equilibrium Modeling: A Framework for Practical Policy Analysis," Centre of Policy Studies, Monash University, US International Trade Commission, Vol. 1, Elsevier B.V., 2013. <http://dx.doi.org/10.1016/B978-0-444-59568-3.00002-X>

17. Cabinet of Ministers Decision № 971 of December 05, 2019 on organizational measures to ensure the implementation and functioning of the interdepartmental software-hardware complex "Unified National Labor System", National database of legislation of the Republic of Uzbekistan. Available at: <https://lex.uz/docs/4630025>

18. Law of the Republic of Uzbekistan on employment. National database of legislation of the Republic of Uzbekistan. Available at: <https://lex.uz/docs/5686516>

19. The International Telecommunication Union (ITU)'s Statistics. Available at: <https://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Pages/stat/default.aspx>



АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Бадалов Шарифбой Джураваевич -
Тошкент молия институтининг
мустақил тадқиқотчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a29

Аннотация. Мазкур мақолада аҳоли даромадлари шаклланишининг илмий-назарий асослари, аҳоли даромадларининг шаклланиш манбалари ва уларнинг асосий жиҳатлари баён этилган. Аҳоли даромадлари шаклланишининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган ва асосий хулосалар шакллантирилган. Аҳоли даромадларини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар таснифланган. Аҳоли даромадларини оширишга доир илмий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: аҳоли даромадлари, камбағаллик, реал даромадлар, трансфертдан олинган даромад, инфляция, стратегия, давлат бюджети.

ТЕНДЕНЦИИ ИЗМЕНЕНИЯ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ И НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ВЛИЯЮЩИХ НА НИХ ФАКТОРОВ

Бадалов Шарифбой Джураваевич -
Независимый исследователь
Ташкентского финансового института

Аннотация. В данной статье описаны научно-теоретические основы формирования доходов населения, источники формирования доходов населения и их основные аспекты. Проанализировано фактическое состояние формирования доходов населения и сформулированы основные выводы. Классифицируются рост доходов населения и факторы, влияющие на него. Представлены научные рекомендации по увеличению доходов населения.

Ключевые слова: доходы населения, бедность, реальные доходы, трансфертный доход, инфляция, стратегия, государственный бюджет.

CHANGING TENDENCIES OF POPULATION INCOME AND THE SCIENTIFIC BASIS OF FACTORS AFFECTING IT

Badalov Sharifboy Dzhuravaevich -
Independent researcher of the
Tashkent Financial Institute

Annotation. This article describes the scientific-theoretical basis of population income formation, the sources of population income formation and their main aspects. The actual situation of population income formation was analyzed and the main conclusions were formed. Increasing population income and factors affecting it are classified. Scientific recommendations on increasing the income of the population are presented.

Key words: population income, poverty, real income, transfer income, inflation, strategy, state budget.

Кириш. Аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш Янги Ўзбекистоннинг фундаментал асосларини ривожлантириш

даги устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланди. Кейинги йилларда аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча даромад олиш имко-

нияларини кўпайтириш мақсадида уларга турли молиявий имтиёзлар ажратиш, касбга йўналтириш ва малакасини ошириш бўйича кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадларини ошириш мақсадида алоҳида вазирлик ташкил этилиб, унинг асосий вазибалари ва функциялари белгилаб берилди.

Ўзбекистонда камбағал қатлам мавжудлигининг тан олинishi соҳага доир сиёсатнинг дастлабки бурилиш нуқтаси бўлди. Илгари бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг камбағалликни қисқартиришга доир ҳужжатлари (Poverty Reduction Strategy Paper) аҳоли турмушини яхшилаш қилиб бироз ўзгартирилган ҳолда бериларди. Яъни камбағаллик атамасига алоҳида урғу берилмаган. 2020 йилдан сўнг мана шу масалада ёндашув ўзгарди ҳамда мамлакатда камбағаллар сони аҳолининг 12-15 фоизини ташкил этиши очиқ-ошкора айтилди. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида (2022) “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш ҳамда норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш” каби мақсадлар алоҳида қайд этиб ўтилган.

Таъкидлаш лозимки, қабул қилинаётган қарорларнинг амалиётга татбиқ этилиши аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш орқали аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича юзага келаётган ёндашувларни ижобий ўзгаришини таъминлаш имконини беради. Бугунги кунда аҳоли даромадларини оширишда иқтисодийнинг реал ва молия секторидо фойдаланилмаётган имкониятларини йўлга қўйиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш, аҳоли даромадларини оширишда молиявий саводхонлик тизимини ривожлантириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мазкур мавзуда илмий тадқиқотларни ривожлантириш, қолаверса ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётга самарали татбиқ этилиши долзарб ҳисобланади.

Мавзу доир адабиётлар таҳлили. Уй хўжаликларининг миллий иқтисодийни ривожлантиришдаги аҳамияти, аҳоли даромадлари таснифланиши ва аҳоли даромадларини табақаланишининг илмий-фундаментлар асослари кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Классик назария асосчилари А.Смит (2007)

ва Д.Рикардо (1991) жамият бойлиги тақсимланишини ва ишчилар хонадони турли бойликка эга бўлишини қайд этганлар. Д.Рикардо ишчилар ахволини реал иш ҳақи белгилашини ва бу пул даромадига, истеъмол товарлар нархига боғлиқ бўлишини асослади, у ишчи капиталистлар ва ер эгаси уй хўжаликлари бойлигининг турли қисмларини ўзлаштиришини табиий ҳолат сифатида қарайди. Илк неоклассик назария вакиллари уй хўжаликлар истеъмоли нафлиликни пасайиб бориши қонуни таъсирида бўлишни асослайдилар. Э.Гессен (1996) товарлар кўплаб харид этилиб, истеъмол тўйган сари қўшимча товарлар нафлиги пасайишига мойил бўлишини айтиб ўтади.

Неоклассик мактабнинг машҳур олимларидан бири А.Маршалл (2008) уй хўжаликлари талабига фақат даромад эмас, балки кишиларнинг хоҳиши ҳам таъсир этишини эътироф этиб, улар танловида субъективлик мавжуд эканлигини асослаб берган. А.Маршалл оила истеъмол учун қўшимча қониқиш бўлишини айтиб уни истеъмолдаги ортиқчалик билан изоҳлади, буни истеъмолчи товарларни харид этиш учун пулини тўлаш мумкин бўлган нархлар билан амалдаги харид нархлари ўртасидаги фарқ сифатида баҳолади. Дж.М.Кейнс назариясида истеъмолчининг нимани кутишига эътибор қаратилади, бунда бозордаги ноаниқлик шароитида истеъмолчининг кутишига асосланган хатти-ҳаракатлар оқилона бўлади, деб қаралади. Унинг фикрига кўра, мувозанатли нархлардан амалий нархлар катта фарқланганда уй хўжаликларининг истеъмол харажати билан жамғариши ўзгаради. Олимнинг фикрига кўра, уй хўжаликларида ликвидлиликни афзал кўриш бўлади ва бу “ликвидлилик тузоғини” ҳосил этади. Хўжалик қўлидаги пул фақат харид воситаси эмас, балки “бойлик захираси бўлиб, бу ноаниқлик шароитида тўловга ноқобил бўлиши рискдан ҳимоя қилиши ва келажакни нотўғри баҳолашдан ҳимоя қилади”.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан аҳоли даромадлари ва унинг табақаланишига доир қуйидаги фикрлар билдирилган. З.Толаметова (2013)нинг таъкидлашича, аҳоли даромадларининг табақаланиши қонуний жараён бўлиб, ижтимоий- иқтисодий шароитлар таъсирида ўзгариб боради. Даромадлар тенгсизлигининг икки томони бор. Биринчиси – бозор механизмига хос тақсимот орқали қўлга теккан даромад тенгсизлиги. Бунда бозор тан олган иш натижасига қараб тақсимлаш мавжуд бўлиб, у қўлга теккан даромад билан ўлчанади. Иккинчиси – тақсимотнинг нобозор усуллари туфайли ҳосил бўлган бепул овқатланиш, дам олиш, бепул ёки имтиёзли тарзда хизматлардан баҳрамандлик ҳар хил даражада бўлади. П.Хашимов

(2020)нинг фикрига кўра, аҳоли турмуш даражаси дейилганда, аҳолининг зарур моддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлиги, аҳоли истеъмоли ва эҳтиёжларининг қондирилганлик даражаси тушунилади. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражаси эса уларнинг оладиган даромадлари даражасига боғлиқ. Даромадларнинг табақаланишига, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, демографик ва географик омиллар таъсир этади. Б.К.Ғойибназаров (2018)нинг фикрига кўра, номинал даромаддан фарқли равишда аҳоли ихтиёридаги даромад таркибига фақатгина товар ва хизматлар шахсий истеъмоли, шунингдек, жамғарма учун фойдаланиш мумкин бўлган даромад қисмигина киритилади. Ихтиёрида бўлган даромадни бошқача қилиб “соф” даромад деса ҳам бўлади. Ихтиёрида бўлган даромад номинал даромаднинг тўғри солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қолган қисмидир. Х.Дж.Хужакуловнинг таъкидлашича (2019), даромадлар даражасининг аҳоли жон бошига ёки банд бўлган бир кишига фарқланиши даромадларнинг табақаланиши дейилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида аҳоли даромадлари шаклланишининг илмий-назарий жиҳатлари, уй хўжалиқларини миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, аҳоли даромадлари шаклланишининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш билан бирга, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Аҳоли даромадларини шакллантириш механизми иқтисодиётда мавжуд ёки амал қилувчи ҳар қандай механизм каби аҳолининг иқтисодий манфаатлари билан белгиланадиган ва муайян мақсадли параметрларни ўз ичига олган аниқ мақсадни амалга оширади. Табиийки, мақсадга эришиш, яъни аҳолининг пул даромадларини олиши ушбу механизм фаолиятининг пировард натижаси бўлиб, унинг моҳиятини ифодалайди. Айнан мулкӣ муносабатлар аҳоли даромадларини шакллантириш механизмининг моҳиятини белгилайди ва субъектлар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилади.

Мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчиларнинг “механизм” тушунчасини талқин қилишдаги ёндашувларини илмий таҳлил қилиш асосида, фикримизча аҳоли даромадларини шакллантириш механизмининг мазмунини қуйидаги элементларнинг мажмуи сифатида кўриб чиқиш мумкин:

- субъектлар, мазкур механизмнинг ишлашини таъминловчи, яъни аҳоли даромадларини шакллантириш жараёнининг фаол иштирокчилари. Иқтисодий муносабатларнинг субъектла-

ри ва механизмнинг ҳаракатлантирувчи “кучи” давлат, корхоналар ва аҳоли бўлса, бунда аҳоли сифатида ўзаро муносабатга киришувчи уй хўжалиқлари, жисмоний шахслар ва алоҳида гуруҳ аҳоли йиғиндиси тушунилади;

- объектлар, мулкӣ муносабатларга асосланган ва аҳоли даромадларини шакллантириш механизмининг объектив асосини ташкил этувчи иқтисодий муносабатлар;


- аҳоли даромадини мутлақ қиймат шаклида ифодаловчи мақсад, яъни мазкур механизмнинг пировард мақсади;

- иқтисодий муносабатларга таъсир этувчи, аҳоли даромадларини шакллантиришни таъминлайдиган ва аҳоли даромадларини шакллантириш механизмининг зарур услубий, ташкилий ва ҳуқуқий таъминотини ташкил этувчи усуллар, меъёрлар, қоидалар, дастаклар ва рағбатлантириш воситалар мажмуи.

Биз томондан амалга оширилган илмий-услубий ишларни умумлаштириш, эмпирик ва иқтисодий-статистик таҳлиллар аҳоли даромадларини шакллантириш механизмининг асосий мезонларини аниқлаш ва шакллантириш имконини берди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ривожланишининг жорий босқичида хонадон хўжалиқларининг ихтиёрида натурал даромадлар мавжуд. Хонадон хўжалиги билан хўжалик алоқаларига киришадиган фирмалар, компаниялар хусусий мулк соҳиби ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳоли даромадларига доир расмий маълумотларда аҳоли даромадларининг таркиби бирламчи даромадлар ва трансфертлардан даромадлар сифатида таснифланмоқда (1-расм).

Аҳоли даромадлари табақаланишининг муҳим муаммолари ва омиллари гуруҳини таҳлил этмасдан туриб, ушбу даражани пасайтириш мумкин эмас. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шартлари ва аҳоли даромадларини ошириш, ўз-ўзини банд қилиш асосида ишсизлик даражаларини камайтириш, аҳолининг камбағал қатламини ушбу тоифадан чиқариш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни хал этиш учун мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли даромадларининг табақаланиш ҳолатини баҳолаш ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан келтирилган маълумотларга кўра, 2021 йилда, аҳолининг умумий даромадлари 515,6 трлн. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2010 йилда 62,6 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, таҳлил қилинаётган давр мобайнида аҳоли даромадларини кескин ортганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).



1-расм. Аҳоли умумий даромадлари таркиби

Манба: <https://stat.uz/uz/-Давлат> статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Амалиётда аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблашда Давлат статистика қўмитаси ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий фаолияти бўйича, уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танлама кузатув маълумотларидан, Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳоли даромадлари, ижтимоий тўловлари ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

1-жадвал


Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг даромадлари тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1.	Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	62631,6	169344,3	197962,4	236893,1	300842,7	365735,6	420338,3	515660,7
	ўтган йилга нисбатан,% да	132,9	115,7	116,9	119,7	127,0	121,6	114,9	124,2
2.	Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	2192,8	5410,6	6215,9	7314,1	9128,6	10891,3	12279,1	14769,0
	ўтган йилга нисбатан,% да	129,2	113,7	114,9	117,7	124,8	119,3	112,7	121,8
3.	Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд.сўм	58229,4	160485,5	187517,7	216400,1	255971,0	319336,1	372211,4	465271,8
	ўтган йилга нисбатан,% да	123,6	109,6	110,7	109,3	108,1	106,1	101,8	112,1
4.	Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	2038,7	5127,5	5887,9	6681,4	7767,0	9509,6	10873,2	13325,8
	ўтган йилга нисбатан,% да	120,1	107,7	108,8	107,5	106,2	104,2	99,8	109,9

Манба: <http://stat.uz> – Давлат статистика қўмитасининг сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Аҳоли даромадларининг реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляциянинг муҳим кўрсаткичларининг бири – истеъмол нархлари индекси (ИНИ)дан фойдаланилади. Истеъмол нархларининг ўсиши сабабли ўтган йилга нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 102,6 %ни ташкил этди. Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш – Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилоти-

нинг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган идоралараро услубий қўлланма асосида амалга оширилади. 2021 йилда аҳоли умумий даромадларининг 73,6 %ини бирламчи даромадлар ташкил қилган ҳолда, 26,4 %и трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолиснинг умумий даромадлари таркиби (фоизда)

Бирламчи даромадларда асосий улушни ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар, трансфертлардан олинган даромадларда эса бошқа жорий трансфертлар ташкил қилди. Ваҳоланки, 2017 йилда аҳоли умумий даромадларининг аксарият қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 68,8 %и) шаклланди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,2 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 4,2 %ни ташкил этган ҳолда трансфертлардан олинган даромадлар улуши 24,8 %га тенг бўлди. Ушбу таркиб республиканинг айрим минтақаларида ўзига хос кўринишга эга бўлди. Жумладан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарган хизматлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар улуши 18,3 %ни ташкил этган ҳолда Хоразм вилоятида аҳоли даромадлари шаклланишида трансфертдан олинган даромадлар улуши 30,0 % юқори бўлди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,1 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 3,5 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 25,3 %ни ташкил қилди. Худудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромад (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад)ларнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (83,6 %) куза-

тилди. Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Андижон, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди. Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмаса-да, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 17,0 %ни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар. Аҳоли даромадларини тадқиқ этишда унга таъсир этувчи омилларининг таснифий хусусиятлари ва алоҳида манбалар бўйича шаклланиш бошқичлари муҳим аҳамият касб этади. Таҳлил жараёнида даромадлар шаклланишининг асосий қатламлари уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, ушбу тоифа аҳоли даромадларининг ўсишида алоҳида ўрин эгаллайди. Умуман олганда, аҳоли хонадон хўжалиги доирасида бирлашади, хонадонни уй хўжалиги деб ҳам аталади, улар иқтисодиётнинг энг кўпчиликдан иборат фаол ва масъул субъекти ёки агенти ҳисобланади.

Инқирозли вазият ва чеклов чоралари шароитида, аҳолининг паст даражада даромад оладиган қатламлари асосий истеъмол товарлар нархлари ўзгаришига кучлироқ таъсирчан бўлади. Паст даромад оладиган аҳолининг асосий қисми иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият юритишини ҳисобга олсак, иқтисодий фаолликнинг пасайиши, биринчи навбатда, уларнинг даромадларига таъсир кўрсатади. Шу сабабли яшаш қиймати масаласи жорий вазиятда муҳим аҳамият касб этади ва паст даражада даромад олаётган аҳоли фаровонлигини оши-

риш учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Уй хўжаликлари томонидан сезиладиган инфляция даражаси харажатлар таркиби ва нархларнинг ўзгаришига қараб фарқ қилади. Хусусан, юқори даражада шаҳарлашган ҳудудларда истиқомат қилувчи кам даромадли уй хўжаликлари юқори даражадаги инфляцияни сезадилар. Умумлаштирилган ҳолда яшаш қийматининг ўсиш даражаси ўртача даромадлар ўсишига мутаносиб бўлади. Айни пайтда алоҳида гуруҳлар бўйича таҳлиллар, яшаш қийматининг ўсишига жуда таъсирчан бўлган аҳоли гуруҳлари мавжудлигини кўрсатди, хусусан: харажатлари миқдори умумий даромадларидан юқори бўлган уй хўжаликлари; кам даромадли ва юқори даражадаги молиявий мажбуриятлар-

га эга уй хўжаликлари; қатъий белгиланган даромад олувчи уй хўжаликлари, шу жумладан, нафақа олувчилар.

Фикримизча, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, давлат ва халқаро молиявий институтлар маблағлари ҳисобига олий ўқув юртларида кам таъминланганлар учун квота жойларини ажратиш орқали “ижтимоий кўтарилиш” институтини яратиш; аҳолини мақбул уй-жой ва жамоат транспорти билан таъминлаш, молиявий таълим ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш; замонавий таълимни молиялаштиришни кенгайтириш ва замонавий ахборот технологиялари, муҳандаслик, биотехнология ва бошқа шу каби замонавий мутахассисликларга йўналтириш каби устувор вазибаларни амалга ошириш лозим.

Манба ва фйдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-60-сонли фармони. 2022 йил.*
2. Смит А. *Исследование о природе и причинах богатства народов.* – М.: ЭКСМО, 2007. – с. 960.
3. Рикардо Д. *Начала политической экономии и налогового обложения.* – М.: Эконом, 1991. – с.339.
4. Масленников О.В. *Взаимосвязь качества экономического роста и дифференциации доходов: теоретико-методологические аспекты.* //Сборник статей IV Международной научно-практической конференции «Экономика, управление и право: инновационное решение проблем». 2016. – С. 38-43.
5. Маршалл А. *Основы экономической науки.* -М.: Эксмо, 2008. стр. 166.
6. Кейнс Дж.М. *Общая теория занятости, процента и денег.* -М.: Избранное, 2008. стр 194.
7. Толаметова З.А. *Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳоли турмуш даражасини ошириш.* //Иқтисод ва молия. 2013, № 5, 7-б.
8. Хашимов П.З. *Даромадлар табақаланиши аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида.* //Иқтисод ва молия. 2020. 4(136) 16- б.
9. Гойибназаров Б.К., Турғунов Т.С. *Ўзбекистонда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларининг статистик таҳлили.* //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018. № 3, май-июнь, 5-б.
10. Хужақулов Х.Дж. *Аҳоли даромадлари табақаланиши ва турмуш даражаси кўрсаткичларининг статистик таҳлили.* //Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2019. 1-сон 9-б.
11. Keshmeer Makun *External debt and economic growth in Pacific Island countries: A linear and nonlinear analysis of Fiji Islands.* //The Journal of Economic Asymmetries, 2021. Volume 23, June.
12. <https://cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти.
13. <https://www.worldbank.org> – Жаҳон банкининг расмий веб-сайти.